




«AKADEMIK AZIZ QAYUMOV VA MUMTOZ ADABIYOTSHUNOSLIK»

*mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjuman
materiallari*

«ACADEMIC AZIZ KAYUMOV AND CLASSICAL LITERATURE»

*proceedings of the international scientific-theoretical
conference on the topic*



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди

**«Академик Азиз Қаюмов ва
мумтоз адабиётшунослик»
мавзусидаги халқаро илмий-
назарий анжуман
материаллари**

(Toshkent, 02.06.2021 y.)

Тошкент – 2021

Мазкур тўплам 2021 йилнинг 2 июнь куни ўтказилган “Академик Азиз Қаюмов ва мумтоз адабиётшунослик” мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман материалларидан иборат бўлиб, унда мамлакатимизнинг бир қанча таникли олимлари ҳамда ёш тадқиқотчилар билан бирга Венгрия, Тожикистон ва Қирғизистон каби давлатлардан мутахассисларнинг мақолалари ҳам ўрин олган.

Таҳрир ҳайъати:

Баҳром Абдуҳалимов, Жаббор Эшонқулов, Иброҳим Йўлдошев, Юсуф Турсунов, Насимхон Раҳмонов, Боқижон Тўхлиев, Олимжон Давлатов.

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:

Отабек Жўрабоев.

Тўпловчилар:

Мехрибон Ёдгорова,
Дилноза Рустамова.

остальных, проживающих в этом доме. Ох, за таким столом Азизхон Каюмов чувствовал себя Эмиром Бухарским!

На этом позвольте мне первую часть воспоминаний завершить, поскольку с этого момента начинается новый, кстати, гораздо более известный этап в жизни нашего Учителя, академика Азиза Пулатовича Каюмова.

Шоира АҲМЕДОВА,
*филология фанлари доктори,
БухДУ профессори.*

АКАДЕМИК АЗИЗ ҚАЮМОВ ХОТИРАЛАРИДА ҒАФУР ГУЛОМ ОБРАЗИ

Аннотация

Мақолада академик А.Қаюмовнинг Ғафур Гуломга бағишиланган хотира китоби ва унда яратилган шоир образи таҳлил қилинган. Асарнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: хотира-эссе, ижодкор, шоир образи, танқидчи, замондош.

Аннотация

В статье анализируется книга памяти академика А. Каюмова, посвященная Гафуру Гуляму, и созданный в ней образ поэта. Обсуждается важность произведение сегодняшней дней.

Ключевые слова: мемуар-эссе, творчество, образ поэта, критик, современник.

Annotation

The article analyzes the book in memory of academician A. Kayumov, dedicated to Gafur Gulam, and the image of the poet created in it. The importance of today's work is discussed.

Key words: memoir-sketch, creativity, poetic image, critic , contemporary.

Академик А.Қаюмов ўзбек адабиётшунослигини ўзининг ранг-баранг жанрдаги тадқиқотлари билан бойитган серқира истеъдод соҳибидир. Айниқса, олимнинг эсселари, хотиралари, адабий-танқидий мақола ва тадқиқотлари ўзининг илмий-эстетик тафаккурга йўғрилганлиги, ижодкорга ва адабиётга бўлган чуқур муҳаббатининг рамзи сифатида намоён бўлади. Олимнинг хотира китоблари ҳам шулар жумласидан.

А.Қаюмовнинг буюк ўзбек шоири Ғ.Ғуломга бағишиланган

эсдаликлари дастлаб 2002 йилда чоп этилган эди, кейинчалик олим уларни тўлдириб, бойитиб қайта нашр эттириди. Унгача олим файласуф шоир ижоди ҳақида қатор мақолалар ёзган, улар матбуотда чоп этилган эди (“Зўр карвон йўлида” (1993, “Устоз Ғафур Ғулом хотираси” (1994) ва ҳ.к.).

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, академик шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида ўзбек адабиётшунослигида жуда кўп тадқиқотлар, китоблар, диссертациялар яратилган. Шоир тириклик давридан бошлаб, ўзбек адабиётшунослиги ва танқиди Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди ҳақида узлуксиз илмий изланишлар олиб боради. Шоир ижоди туркий халқлар, собиқ шўро таркибидаги юртлар, ўзга эллар адабиётшунослигида ўрганилди. Ғафур Ғулом ҳақида илк мақолани француз адиби Пол Вайян Кутюрие (1931), сал кейинроқ Анри Барбюс ёзган (1935) эди. Ўзбек адабиётшунослиги, танқидида олим, мунаққид борки, Ғафур Ғулом ҳақида ўз гапини айтган. Бу борада атоқли олим Ҳ.Ёқубовнинг қатор ишларини эслашнинг ўзи кифоя. Адабиётшуослар Ҳ.Ёқубовдан кейин бу соҳада салмоқли ва ҳаммага маъқул келадиган иш қилиш қийинлигини қайта-қайта таъкидлашган. Чунки ўзбек адабиётшунослигининг узвий қисми ғафур ғуломшуносликка асос солиниши, биринчи навбатда, адабиётшуос Ҳомил Ёқубов номи билан боғлиқдир.

Ғафур Ғулом ижодининг нозикфаҳм тадқиқотчиси С.Мамажонов илмий фаолиятининг энг катта қисмини академик шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзган ўнлаб мақолалари ва монографик китоблари ташкил қиласди. Академик Ғафур Ғулом илмий раҳбарлигида "30-йиллар поэзиясида меҳнат темаси" мавзууда номзодлик диссертацияси устида иш олиб бориб, кейинчалик ғафур ғуломшунослик саҳифаларини бойитган, шоир ижодининг теран тадқиқотчиси академик С.Мамажонов Ғ.Ғулом ижоди ҳақида кўп йиллардан бери олиб борган илмий-тадқиқот ишлари асосида "Ғафур Ғулом маҳорати" мавзууда докторлик диссертациясини ёқлади (1968). Бу борадаги ишларини давом эттириб, Ғ.Ғулом ҳақида учта монография яратди. Улкан санъаткор Ғафур Ғулом ижоди ҳақида битилган бу ишлар адабиётшунослигимизда ўзига хос илмий трилогия намунасидир. Бу тадқиқотлар собиқ шўролар даврида яратилган.

Истиқлол йилларида ҳам шоир ижоди ҳақида қатор илмий бақувват, етук тадқиқотлар яратилган бўлса-да, адабиётшуносликда академик Б. Назаров Ғафур Ғулом ижоди, унинг бадиий олами ҳақида ўзининг оҳорли сўзини айта олганини “Ғафур Ғулом олами” китобидаги концепция,

талқин, таҳлил, баҳолашда ўзига хослик кўрсатади. Бу янги тадқиқоти билан олим Faфур Гулом бадиий оламининг бир қанча бетакор фазилатларини намоён эта олди, унда шоирнинг нафақат шеърияти, балки халқчил насли, ҳажви зукко олим нигоҳидан янгича мафкура нуқтаи назаридан ўтказилади.

Академик А.Қаюмовнинг китоби юқоридаги ишлардан олимнинг ўзи таъкидлаганидек, шоирнинг ижодий йўли тўғрисидаги мукаммал асар эмас, балки “бу академик шоир Faфур Гулом билан бир қанча вақт хизматдошликка мушарраф бўлган, унинг сұхбатларидан баҳра топган, энг муҳими, унинг тарбияси, ғамхўрлиги остида шаклланган шогирд ва муҳлисларидан бирининг шахсий хотиралари”²¹ бўлганлиги билан фарқ қиласиди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, файласуф шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида хотира китоблар ҳам яратилди. Ўзбекистон Қаҳрамони Сайд Аҳмаднинг “Назм чораҳасида”, истиқлол йилларида “Йўқотганларим ва топганларим” китобида ҳам F.Гуломга бағишлиланган алоҳида фасл мавжуд. 12 қисмдан иборат фаслда ҳам шогирднинг устоз ҳаёти ва ижоди ҳақида хотиралари самимий тасвирланган²². Академик А.Қаюмовнинг хотира китоби ҳам айни шу силсиладаги асар сифатида намоён бўлади. Шунинг учун хотиралар орқали ҳам А.Қаюмов шоир ҳаётининг ўқувчи учун муҳим бўлган қирраларини ёритади, шоир ижодига баҳо беради, шеърларини чуқур таҳлил эта олиш маҳоратини кўрсатади. Масалан, шоирнинг машҳур “Турксиб йўлларида” шеърини қатламлари билан атрофлича таҳлил қиласар экан, шеърнинг “Faфур Гуломона нидо билан якупланишни”ни таъкидлайди.

А.Қаюмов шоирнинг уруш йиллари ижодига ҳам теран нигоҳ ташлайди. “Софиниш” шеърининг яратилши ҳақида фикр юритишдан олдин ўзининг хотираларини, акасини урушга кузатиш жараёнини эсга олади, бу лирик чекиниш орқали шоир шеърининг нечоғли таъсирли ва аҳамияти катта эканлиги очиб берилади : “Мушфиқ ота-оналар, яқинлар учун чексиз, ҳеч тугамайдиган софиниш йиллари бошланди. Акам Ҳафизхон Қаюмов фронтдан қайтмади.

Ҳар бир оила шундай кечмишларни бошидан ўтказган. Оналар агарда ўша куни уйда овқат пиширилса, ўғлининг насибаси деб бир коса

21 Азиз Қаюмов. Академик Faфур Гулом (хотиралар). – Т.: 2008.3-бет (кейинги ўринларда шу китобнинг саҳифалари кўрсатилади).

22 Сайд Аҳмад. Йўқотганларим ва топганларим. Тошкент. “Шарқ”, 1999. 26-71 бетлар.

овқатни олиб қўяр ва уни кутар эди.

Ғафур Гулом бунинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган, кузатувда ҳам, кутмоқда ҳам, соғинишда ҳам у халқ билан бирга” (54-бет).

Самимий хотираларга асосланган бундай лавҳалар ўқувчини Ғ.Ғулом ижодига янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Сайд Аҳмад “Вақт” шеъри ҳақида тўхталар экан, бевосита унинг яратилиш тарихига гувоҳ бўлгани билан боғлиқ хотираларга тўхталса, А.Қаюмов “Вақт” шеъри ҳақида фикр юритишдан олдин вақтнинг қадри ҳақида йирик ўзбек олимлари Ё.Тўракулов, Ҳ.Абдуллаев билан боғлиқ хотираларни эсга олади, қисқа бўлса-да, шеърнинг туб моҳияти ҳаёт лаҳзаларининг қадри эканлигига диққат қаратиб, уни таҳлил қилади: “Вақт” шеърини диққат билан ўқиб ўрганган ҳар бир шеър муҳлиси ундаги чуқур мутафаккирона мисраларни фақат Ғафур Ғуломгина ижод қила олади, деб хулоса қилса, у, албатта, ҳақлидир”, деб ёзди (112-бет).

Китобнинг “Шарқ қўлёзмалари ҳазинасида” бўлимида Шарқшунослик институти билан боғлиқ турли хуруж ва иғволарнинг кўпайиши, Ғ.Ғуломнинг уларга қарши вазминлик билан асосли кураши, Маҳмуд Қошғарий, Ҳофиз Таниш Бухорий, Форобий, Нодира каби ижодкорларнинг илмий-адабий меросини, улар ҳақида илмий иш олиб бораётган бир қанча истеъодли олимларни ҳам “чаласавод жоҳиллар ҳужумидан сақлаб” қолганлиги ҳикоя қилинади. Шу аснода шоирнинг ҳам ижодий, ҳам маънавий қиёфаси очила боради. “У киши ҳазилни севар, ўзини жуда оддий тутар эди, аммо улуғсифатлик бу одамнинг табиатида бор. Шунинг учун Ғафур Ғулом билан ҳар бир учрашув, унинг суҳбатига эришув биз учун катта қувонч бағишилар, қувват берар ва ибрат бўлар эди” (79-бет). Бундай хотираларни ўқир экан, ўқувчининг кўз ўнгида зукко, ҳазилкаш, “ҳар қандай шароитда, ҳар қандай мавзудаги суҳбатда ажойиб ҳозиржавоб” шоирнинг ёрқин қиёфаси жонланади.

Қўқондаги Адабиёт музейини ташкил этишдаги жонбозлиги, Атойини Отойи деб чиқсан ёш олим Э.Рустамовни ҳимоя қилиб, газетада мақола чоп этиши ҳақидаги лавҳалар бугунги кун ўқувчисига ўша давр муҳити билан чуқурроқ таниш имконини беради. А.Қаюмов бошқаларнинг нигоҳи –хотиралари орқали шоир қиёфасини янада чуқурроқ очиб бериш усулидан ҳам фойдаланган. Масалан, шоирнинг тарбиясини олган Ҳ.Юнусов, Ҳамидjon Ниёзий, шоир Чустий билан боғлиқ хотиралар Ғ.Ғуломнинг нақадар бағри кенглиги, ижодкорларга марҳаматли инсон сифатидаги қиёфасини очишга ёрдам беради. Шу боис

А.Қаюмов F.Ғуломни ўзбек халқига “эзгулик дарсини ўтайдиган тарбиячилардан бири” сифатида кўрсатар экан, бу дарслардан барча халқлар фойдалансалар арзишини таъкидлайди.

Олимнинг F.Ғуломнинг “Алишер” шеъри ҳакидаги мулоҳазаларига эътибор қаратайлик: “Faфур Ғулом сўзни буюк шоирнинг исми Алишердан бошлайди.... Алишер бир кучли, қудратли шердирки, унинг овози юксак тоғлар оралаб наъра тортади, тоғлар эса унга акс-садо бериб янграйдилар. Бу Навоийнинг сўzlари, унинг назми, ижоди беш юз йилдан бери яшаб келаётганлигининг шоирона ифодасидир. Унинг жарангли ва қудратли овозига акс-садо берувчи тож эса – Ватан. Шундай қилиб, Faфур Ғулом шердай наъра тортувчи Алишер образи ва унга акс садо бераётган тоғдай юксак ва улуғ Ватан образи билан ўз шеърини бошлаган” (91-бет). Шеърнинг ана шундай чуқур таҳлили самимий ва содда, шу билан бирга асослилиги хотираларда ҳам олимнинг илмий қувваи ҳофизаси кучли эканлигини кўрсатади. Буни шоирнинг Навоий ғазалига боғлаган “Тун била тонг” мухаммасининг қиёсий таҳлили, “Навоий қабри устида” шеърининг яратилиши ва шарҳи, “Навоийнинг уч ғазалини шарҳлаб, шоирнинг йирик анжуманда маъруза ўқиши, Афғонистонда Жомийга бағишиланган анжуманда “Шарқ назми осмонинг иккипорлоқ қүёши” мавзуида маъруза қилганлиги ҳакидаги жонли хотиралар шоир образини тўлдиришга хизмат қилганида кўриш мумкин.

Хотираларда олим – буюк ижодкорнинг характерига хос чизгилар берадики, бу китобхон билан олим, ёзувчи орасидаги масофани яқинлаштиришга ёрдам беради. Тилга олиб ўтилган инсонларнинг деярли барчаси олимга таниш, юрагига яқин одамлар, шунинг учун бўлса керак, унинг самимий хотираларида файласуф шоир Faфур Ғуломнинг бутун ҳаёти, инсоний, ижодий қиёфаси кўз олдимиизда яққол гавдаланади.

“Истаймизки, XXI аср авлоди бу улуғ ватандошимизнинг хотирасини азиз тутсин. Ундаги ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик таълимини олсин. Ёш ижодкорлар эса ўзбек адабиётини, адабиётшунослигини Faфур Ғуломона асарлар билан муттасил бойита берсин” (157-бет). Академик А.Қаюмов қалбидан отилиб чиқсан бу қайнок сўzlарни нафақат F.Ғулом, балки ўзбек адабиётининг бошқа буюк ижодкорлари ҳаёти ва ижодига ҳам қўллаш мумкин. Зоро, улар ҳақида ёзилган хотира китоблар китобхонни шу буюкларга янада яқинлаштиришга, улар ҳаёти ва ижодидан маънавий баҳра, ибрат олишга чақириши жиҳатидан ҳам аҳамиятлиdir.

МУНДАРИЖА

О.Жўрабоев.	Адабиётшунослигимиз дарғаси ва адабиёт музейимиз фаҳри	4
УСТОЗНИ ЁД ЭТИБ		
<i>Х.Ҳомидий.</i>	Даҳога меҳр ҳосиласи	11
<i>Н.Жўмажӯжса.</i>	Академик Азиз Қаюмов ҳамда проф. Абдуқодир Ҳайитметовнинг дўстона ва ҳамкорлик муносабатлари	16
<i>Н.Раҳмонов.</i>	Ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси тарих эди	25
<i>З.Исломов.</i>	Азизийнинг адабий мероси	34
<i>Ш.Ёрқин.</i>	Устодимни эслаб	39
<i>С. Олим.</i>	Кордон олим	41
<i>Д. Азимова.</i>	Уроки жизни: память об учителе	49
<i>Ш.Аҳмедова.</i>	Академик Азиз Қаюмов хотираларида Гафур Ғулом образи	55
<i>М.Рашидовна.</i>	Академик Азизхон Қаюмовнинг “Низомий “Ҳамса”си талқини” асари хусусида	60
<i>Н.Авазов.</i>	Азизхон устознинг Маҳмудхўжа Беҳбудий ижодини юзага чиқаришдаги роли	65
<i>Р. Хабоҳунова.</i>	Академик Азиз Қаюмовнинг илмий мактаби	68
<i>С.Султонсаидова.</i>	Азизхон устоз ҳақида баъзи хотиралар	73
<i>И.Сулаймонов.</i>	Захириддин Муҳаммад Бобур шахсияти академик А.Қаюмов талқинида	78
<i>Н.Абдуллаханова.</i>	Академик А.Қаюмовнинг берунийшуносликка доир тадқиқотлари хусусида	84
<i>Д.Казакбаева.</i>	Алишер Навоий таржеъбандлари академик Азиз Қаюмов талқинида	88
<i>Н.Мирзаева.</i>	Академик А.Қаюмов ва Увайсий шеърларидағи санъат билан боғлиқ терминлар хусусида	92
<i>Д.Рустамова.</i>	Академик Азиз Қаюмовнинг Навоий лирикасига доир қарашлари	96
<i>Қ.Деҳқонов.</i>	Академик А.Қаюмов томонидан тузилган “Муножот” асарининг йигма илмий матни	99
ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИГА ОИД ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАР		
<i>B.Peri.</i>	Highlits of the Chagatoy/old uzbek manuscripts preserved in the the Oriental collection of the library of the Hungarian Academy of sciences	105
<i>Ю.Турсунов.</i>	Матн шаҳодати	112
<i>З.Маирабов.</i>	Хорижда сақланаётган Ўзбекистонга тааллуқли илмий-маданий бойликларни аниқлаш ва ватанга қайтариш	121
<i>Ж.Маҳмудов.</i>	Паҳлавон Маҳмуд аждодлари	127
<i>Г.Абдуллаева.</i>	Манбашунос Муҳаммаджон Ҳакимов архиви ҳақида	134

<i>Ш.Нуриддинов.</i>	Комил Хоразмий лирик мероси ўрин олган қўлёзма баёзлар тўғрисида	137
<i>З.Хуррамова.</i>	Сайид Мухаммад Йўлдош девони қўлёзмаси ҳақида	144
<i>И.Мадгазиев.</i>	XIX аср охири ва XX аср бошлари Андижон адабий мұхитига оид қўлёзма манбалар	149
<i>Б.Исакова.</i>	Увайсийнинг «Карбалонома» достони	155
<i>Д.Жумаева.</i>	«Равзай асрор» асарининг қўлёзмалари	162
<i>Н.Алиқулова.</i>	“Девони Мажзу‘” даги бир ўзига хослик ҳақида	166
<i>Ж.Абдуллаев.</i>	Убайдий девонининг ўрганилиш тарихидан	171
<i>Ж.Жовлиев.</i>	Мумтоз адабиётимизни ўрганишда тадқиқотида Мақсад Шайхзоданинг ўрни	175
<i>M.Muhammadova</i>	Mahmud az-Zamaxshariy adabiyotshunos va tilshunos olim	179
<i>Г.Матёқубова.</i>	Рауф Парфи архивининг ўзига хос хусусиятлари	183
<i>N.Mushtariy.</i>	Abul Hasan al-Ash’ariy “Kitabu-l-luma” asarining manbashunoslik tahlili.	188

**ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА НАЗАРИЙ ЁНАШУВ ВА
МЕТОДЛАР**

<i>Ҳ. Болтабоев.</i>	Алишер Навоий сийрати Хондамир талқинида	195
<i>Б.Тўхлиев.</i>	Ғазал мутолааси – маънавий тарбия муқаддимаси	201
<i>Қ.Эргашев.</i>	Алишер Навоий асарларида масҳ бўлиш ҳодисасининг талқини	209
<i>С.Олим.</i>	“Лисон ут-тайр”нинг лиро-эпиклик даражаси: салаф ва халаф муносабатлари устоз- шогирдликми ёхуд пир-муридлик?	213
<i>Б.Ражабова.</i>	Ахийлар образи талқини хусусида	226
<i>М.Маматқулов.</i>	Мухаммас имкониятлари ва Сайқалий маҳорати	230
<i>M.Мухторов.</i>	Алишер Навоий лирикасида мусиқий терминлар	235
<i>Д. Рўзиева.</i>	Низорий ижодида Навоий анъаналари	241
<i>Ш.Ҳасанова.</i>	Хиромийнинг бадиий маҳорати масаласи	253
<i>У. Аметова.</i>	Шайх Нажмиддин Кубро издошлари	259
<i>М.Хошиумхонов.</i>	Машраб поэзиясида тасаввуфий ғоялар	264
<i>S.Karimova.</i>	Zebunnisobegin she’riyatida Hoja Ahmad Yassaviy hikmatlari ta’siri	270
<i>S.Umarova.</i>	Abdulloh Ansoriy va Navoiy	274
<i>У.Санақулов.</i>	Алишер Навоий асарларида Лайли ва Мажнун сюjetи талқини	277
<i>S.Umarov.</i>	Himmatning – kamoli futuvvat	283
<i>P.Сайдова.</i>	Маломатийликнинг бошқа тариқатлар билан алоқаси	288